



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ICHKI ISHLAR VAZIRINING BUYRUG'I

Давлат харидларини амалга оширишда танлов ўтказиш учун харид комиссияси ҳамда ишчи гуруҳ таркибларини тасдиқлаш тўғрисида

“Давлат харидлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига асосан, харид қилиш тартиб-таомиллари иштирокчиларининг таклифларини буюртмага мувофиқлик даражаси бўйича ҳолис баҳолаш ва тартибга солиш ҳамда давлат харидларини рақобатлашув усулларини амалга ошириш йўли орқали ҳолибни (ҳолибларни) танлаш мақсадида буюраман:

1. Қўйидагилар:

Давлат харидларини амалга оширишда танлов (тендер) ўтказиш учун харид комиссияси (кейинги ўринларда – Харид комиссияси) таркиби 1-иловага мувофиқ;

Давлат харидларини амалга оширишда танлов (тендер) ўтказиш учун ишчи гуруҳ (кейинги ўринларда – Ишчи гуруҳ) таркиби 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Белгилансинки, Ишчи гуруҳ бўлажак давлат харидлари тўғрисидаги ахборотни махсус ахборот портали орқали давлат харидларининг электрон тизимига жойлаштирилишидан олдин ўрганиб чиқади ҳамда ушбу ахборотда кўрсатилган давлат харидларини амалга ошириш усули, талаблари ва шартлари, таклифларни тақдим этиш муддатлари ҳамда тартиби тўғри расмийлаштирилганлигига жавобгар ҳисобланади.

3. Харид қилиш тартиб-таомиллари ҳолибини аниқлаш учун Харид комиссияси томонидан ўтказиладиган танловга қадар Ишчи гуруҳ иштирокчиларнинг ҳужжатларини қўйидагиларга мувофиқлиги бўйича дастлаб ўрганиб чиқади:

рақобатли давлат харидларини амалга ошириш мақсадида, иштирокчилар томонидан таклиф этилган товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) нархларини харид қилиш тартиб-таомилларининг очик ахборот манбаларидаги нархлар билан ҳамда камида учта потенциал етказиб берувчисининг таклифлари билан солиштиради;

иштирокчи томонидан рақобатга қарши ҳаракатлар содир этилганлиги, манфаатлар тўқнашуви ҳамда аффилиланганлик ҳоллари мавжудлиги, иштирокчи тўғрисида “Инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестри”да қайд борлиги ёки унда солиқлар ва йиғимларни тўлаш бўйича муддати ўтган қарздорлик мавжудлиги, унга нисбатан тўловга қобилиятсизлик тартиб-таомиллари жорий этилганлиги, харид қилиш ҳужжатларининг малака, техник ва тижорат талабларига жавоб бермаслиги ҳолларини текширади ва бундай ҳолатлар аниқланган тақдирда, мазкур иштирокчини харид қилиш тартиб-таомилларида иштирок этишдан четлатади;

иштирокчилар учун тенг ва шаффоф танлов платформасини яратиш мақсадида, харид қилиш тартиб-таомиллари ҳужжатларида камчиликлар ёки техник жиҳатдан хатолар аниқланиб уларни бартараф этиш имкони мавжуд бўлган ҳолатда, шунингдек, маълумотлар етарли бўлмаганлиги натижасида жойларга чиқиб ўрганиш зарурияти туғилган тақдирда, уларни танловга қадар заруратдан келиб чиқиб жойига чиққан ҳолда бартараф этиш чораларини кўради.

4. Харид комиссияси:

харид қилиш ҳужжатларида белгиланган техник, иқтисодий, ташкилий ва бошқа ўзига хос хусусиятларга мувофиқ бўлган, энг яхши шартларни таклиф этган, харид қилиш тартиб-таомиллари якунларига кўра таклифи энг мақбул деб топилган малакали харид қилиш тартиб-таомиллари иштирокчисини танлаб олади;

харид қилиш тартиб-таомиллари иштирокчиларининг шикоятларини адолатли, тезкор ва самарали кўриб чиқади.

5. Холислик ва шаффофликни ўрнатиш мақсадида, харид қилиш тартиб-таомиллари ғолибини аниқлаш учун Харид комиссияси томонидан ўтказиладиган танлов жараёни видеотасвирга олинishi ва комиссия котибида сақланиши таъминлансин.

6. Харид қилиш тартиб-таомиллари бўйича ўтказиладиган танловга қадар бўлган жараёнларда ҳамда танлов (тендер) ўтказиш вақтида Харид комиссияси ҳамда Ишчи гуруҳ таркибига киритилган раҳбар ва ходимларнинг шахсан қатнашишлари, таклиф ва эътирозлари фақат ёзма равишда берилиши ҳамда танлов ҳужжатларига жамланиши таъминланиб, бу борадаги масъулиятлари оширилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг “Давлат харидларини амалга оширишда танлов ўтказиш учун харид комиссияси таркибини тасдиқлаш тўғрисида” 2023 йил 16 январдаги 7-сон фармойиши ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

8. Мазкур буйруқ талаблари ижросини таъминлаш ҳамда назорат қилиш Молия ва моддий-техника таъминоти департаменти бошлиғи, полковник А.А. Абиджанов зиммасига юклансин.

Вазир
генерал-лейтенант

П.Р. Бобожонов

Тошкент шаҳри
2025 йил “18 февраль”
108-сон.

**Давлат харидларини амалга оширишда танлов (тендер) ўтказиш учун харид комиссияси
ТАРКИБИ**

- | | |
|-----------------|--|
| А.А. Абиджанов | – Молия ва моддий-техника таъминоти департаменти бошлиғи,
<i>раис</i> |
| З.В. Мурадов | – Молия ва моддий-техника таъминоти департаменти бошлиғининг
ўринбосари – Ҳарбий тузилмаларнинг фаолиятини таъминлаш
бошқармаси бошлиғи, <i>раис ўринбосари</i> |
| У.Б. Атаджанов | – Хўжалик бошқармаси бошлиғининг ўринбосари |
| Ж.А. Хамдамов | – Молия-иқтисод бошқармаси бошлиғининг ўринбосари |
| М.Е. Утебаев | – Таҳлил ва мувофиқлаштириш бўлими бошлиғи |
| Ж.А. Хамраев | – Назорат-тафтиш инспекцияси бошлиғининг ўринбосари |
| Б.Р. Сулейманов | – Шахсий хавфсизлик бош бошқармаси Биринчи бошқарма
марказий аппарат соҳавий хизматлар бўйича бўлимининг ўта
муҳим ишлар бўйича тезкор вакили |
| Н.А. Караев | – Моддий-техника таъминоти бошқармаси бошлиғининг ўринбосари –
Маҳсулотлар ва жиҳозлар билан таъминлаш бўлими бошлиғи |
| Лавозимига кўра | – Харид қилиш юзасидан танловда ташаббускор бўлган соҳавий
хизмат (бошқарма)нинг бошлиғи

– Харид қилиш юзасидан танловда ташаббускор бўлган соҳавий
хизмат (бошқарма)нинг масъул ходими, <i>котиб</i> |

*Изоҳ: Комиссия аъзоси бошқа ишга ўтган тақдирда, унинг таркибига ушбу лавозимга
янгидан тайинланган ёки зиммасига тегишли вазифаларни бажариши юклатилган ходим
кириштилади.*

*Штатлар қайта ташкил этилган тақдирда, комиссия аъзолари янги штат лавозими
бўйича фаолият олиб борадилар.*


**Давлат харидларини амалга оширишда танлов (тендер) ўтказиш учун ишчи гуруҳ
ТАРКИБИ**

- И.О. Абдурахмонов – Молия ва моддий-техника таъминоти департаменти бошлигининг ўринбосари – Моддий-техника таъминоти бошқармаси бошлиғи, ишчи гуруҳ раҳбари
- А.Ш. Мадиримов – Назорат-тафтиш инспекцияси учинчи бўлим бошлиғи
- Л.Х. Бердиёров – Таҳлил ва мувофиқлаштириш бўлими бош мутахассиси
- Ш.З. Дўсматов – Молия-иқтисод бошқармаси Шартномалар билан ишлаш бўлими бошлиғи
- А.А. Халиков – Хўжалик бошқармаси Транспорт таъминоти бўлими бошлиғи
- Х.Х. Нодиров – Молия-иқтисод бошқармаси Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисобот бўлими бош инспектори
- К.Н. Умаров – Моддий-техника таъминоти бошқармаси Ахборот технологиялари ва махсус техника билан таъминлаш бўлими бошлиғи в.б.
Харид қилиш юзасидан танловда ташаббускор бўлган соҳавий хизмат (бошқарма)нинг масъул ходими
- А.А. Абдуллаев – Моддий-техника таъминоти бошқармаси Ахборот технологиялари ва махсус техника билан таъминлаш бўлими бош инспектори, ишчи гуруҳ котиби

Изоҳ: Ишчи гуруҳ аъзоси бошқа ишга ўтган тақдирда, унинг таркибига ушбу лавозимга янгидан тайинланган ёки зиммасига тегишли вазифаларни бажариш юклатилган ходим киритилади.

Штатлар қайта ташкил этилган тақдирда, ишчи гуруҳ аъзолари янги штат лавозими бўйича фаолият олиб борадилар.

Вазирлик Молия ва моддий-техника таъминоти
департаменти бошлигининг 1-ўринбосари,
полковник



Н.Ш. Ходжаев

“КЕЛИШИЛГАН”

Вазирлик Ташкилий департамент
Юридик таъминлаш бошқармаси
бошлиғи, полковник



Ф.Ю. Бадалбоев

Вазирлик Молия ва моддий-техника таъминоти
департаменти бошлиғи, полковник



А.А. Абиджанов

Вазирлик Назорат-тафтиш инспекцияси
бошлиғи, полковник



М.Ш. Махмудов

Вазирлик Ташкилий департамент
бошлиғи, полковник



Ш.И. Норгитов

Вазирлик Шахсий хавфсизлик бош
бошқармаси бошлиғи, полковник



М.А. Мирзияев

Мазкур келишув варақаси Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар
вазирининг “Давлат харидларини амалга оширишда танлов ўтказиш учун
харид комиссияси ҳамда ишчи гуруҳ таркибларини тасдиқлаш тўғрисида”ги
2025 йил 18 февралдаги 108-сон буйруғига тегишли.



Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг “Давлат харидларини амалга оширишда танлов ўтказиш учун харид комиссияси ҳамда ишчи гуруҳ таркибларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 2025 йил “18” февралдаги 108-сон буйруғининг

ТАҚСИМОТИ

- | | |
|---|-------------|
| 1. Ташкилий департаментга | – асл нусха |
| 2. Молия ва моддий-техника таъминоти департаменти марказий аппарати | – 1 нусха |
| 3. МваМТТД Молия-иқтисод бошқармасига | – 1 нусха |
| 4. МваМТТД Хўжалик бошқармасига | – 1 нусха |
| 5. МваМТТД Моддий-техника таъминоти бошқармасига | – 1 нусха |
| 6. МваМТТД Ҳарбий тузилмаларнинг фаолиятини таъминлаш бошқармасига | – 1 нусха |
| 7. Назорат-тафтиш инспекциясига | – 1 нусха |
| 8. Шахсий хавфсизлик бош бошқармасига | – 1 нусха |

МваМТТД ЮТГ бош
юрисконсульти



В.М.Дадажонов